

Изоҳ:

1. Ўқув режасига қўшимча киритиладиган модуллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғи асосида амалга оширилади.
2. Ўқув режасидаги модулларга ажратилган соатлар миқдори аудитория ва мустақил таълим соатларини камраб олади.
3. Мазкур ўқув режа асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналишидан келиб чикиб ишчи ўқув режа тузилади ва таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида тасдиқланади. Бунда таянч олий таълим муассасасига ҳафталик ўқув юкламасини сақлаган ҳолда модуллар ҳажмини 5% гача ўзгартириш ҳуқуқи берилди.
4. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва амалий хорижий тил модуллари бўйича амалий машғулотлар иккита кичик гуруҳларга бўлиб ўқитилади (хар бир кичик гуруҳда камиди 10-12 нафаргача тингловчилар бўлиши шарти билан).
5. Машғулотлар муаммоли маъруза, семинар-тренинг, давра суҳбати, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш ҳамда бошқа интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилди.
6. Қўчма машғулотлар олий таълим муассасалари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа корхона ва ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасаларида ташкил этилади.
7. Мустақил таълим тегишли модуль дастурида келтирилган мавзулар бўйича тайёрланган топшириқлар асосида амалга оширилади.
8. Педагогик амалиётда тингловчиларнинг тегишли кафедраларда дарсларни кузатиши, очик маъруза ва амалий машғулотлар ўтказиши, ўтказилган дарсларни муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилиши режалаштирилган.
9. Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси модуллар бўйича жорий назорат, педагогик амалиёт якунлари, касбий фаолият қўрсаткичлари, чиқиш тест синовлари натижалари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини химоя қилиш асосида ўтказилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашида маъқулланган.
2017 йил « 18 » 08 даги 4 -сонли баённома.

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг жорий қилинишини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

О.Ш.Исмоилов

Бош илмий-методик марказ директори

У.Ш.Бегимкулов

Соғлиқни сақлаш вазирлиги фан ва ўқув юрталари Бош бошқармаси бошлиғи

У.С.Исмаилов

Тошкент тиббиёт академияси ректори

Л.Н.Тўйчиев

ТТА хузуридаги ПКҚТ ва МО тармоқ маркази директори

У.А.Ташкенбаева